

АМИР ТЕМУРНИНГ МУҲОРАБАЛАРДА ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯ ВА ТАКТИКАЛАРИ

А.Раҳматуллаева

Темурийлар тарихи давлат музейи
катта илмий ходими, т.ф.н., доц.

***Резюме** Мақола Амир Темурнинг ҳарбий мероси, ҳарбий стратегия ва тактикаларини илмий ўрганишга бағишланган. Унда Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳукмронлигига келмасдан олдинги муҳорабаларда қўллаган стратегия ва тактикалари, ҳамда машҳур ҳарбий юришларда қўллаган стратегия ва тактикалари мазмуни, моҳияти, уларнинг талабани таъминлашдаги ўрни тарихий манбаларга таяниб ёритилди.*

***Калит сўзлар:** стратегия, тактика, манба, ҳарбий маҳорат, бой жанг санъати, муҳораба, пиёдалар, енгил отлиқ суворийлар, оғир қуроли зирҳли отлиқлар, Қундузча жанги, Ҳиндистон жанги, Анқара жанги.*

***Резюме** Статья посвящена научному изучению военного наследия Амира Темура, военной стратегии и тактики. В ней на основе исторических источников освещены стратегия и тактика, применявшиеся Амиром Темуrom в боях до правления Моваруннахра, а также стратегия и тактика, применявшиеся в знаменитых военных походах, их роль в обеспечении победы.*

***Ключевые слова:** стратегия, тактика, ресурсы, военные навыки, богатые боевые искусства, бой, пехота, легкая кавалерия, тяжелая бронекавалерия, битва при Кондурче, битва в Индии, битва у Анкары.*

***Abstract:** The article is devoted to the scientific study of the military heritage of Amir Temur, military strategy and tactics. Based on historical sources, it highlights*

the strategy and tactics used by Amir Temur in battles before the reign of Movarunnahr, as well as the strategy and tactics used in famous military campaigns, their role in ensuring victory.

Keywords *strategy, tactics, resources, military skills, rich martial arts, combat, infantry, light cavalry, heavy armored cavalry, Battle of Kondurce, Battle of India, Battle of Ankara*

Жаҳон ҳарбий санъатида Амир Темур буюк саркардалардан бири, унинг муваффақиятли ғалабалари, чуқур ўйланган стратегия (савқулжайш) ва тактика (усул, таъбиятулжайш)лари мутлақо ноёб деб эътироф этилади.

Ҳарбий тарихчи Л.А.Бобров фикрича, Амир Темурни “Ўрта асрларнинг энг яхши Осиё қўмондонларидан бири бўлган¹.”

Амир Темур жангни стратегик, оператив ва тактик бўғинларда бошқарган. Бунда Амир Темур маҳоратини кўрсатувчи асосий стратегик маҳорат - мақсадга жангсиз эришиш қобилияти ёки кам сонли қўшин билан тўғри тактика ва манёврлар танлаб, кам талафот билан жангда ғалабага эришишдир².

Стратегия – (юнонча) жанговар илм, жанг санъати, қўмондонлик санъати ҳисобланиб, қийин бўлган мақсадларга эришидаги катта режалардир. Стратегия - узоқ муддатни ўз ичига олган умумий ҳаракатлар режаси, ҳарбий ишларда ёки кейинчалик умуман шахс ёки ташкилотнинг ҳар қандай фаолиятида мураккаб, узоқ муддатли мақсадга эришиш усули³. Стратегия - узоқ вақтни ўз ичига олади, мураккаб мақсадга эришиш йўли, ҳарбий ишларда умумий ва батафсил бўлмаган режа ҳисобланади. Стратегиянинг мақсади - асосий мақсадга эришиш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишдир.

¹ <http://tass.ru/sibir-nevs/2691051>. Маршалы» Сахибкирана. К вопросу о высшем комадном составе армии Амира Тимура последней трети XIV – начала XV вв.”

² Квинт В.Л. Амир Темурнинг стратегик етакчилиги: “Тузуклар”га изоҳлар / В.Л.Квинт (сўзбоши, изоҳлар). – СПб.: ИПЦ СЗИУ РАНХиГС, 2021. – 224 б.

³<https://znanierussia.ru/articles/%>

Тактика – (юнонча) ташкил топиш, тартибга солиш, қўшин ва кучларни тасарруф этиш қобилияти: тактика санъат назарияси ва амалиётнинг бир бўлиmidир¹.

Ҳар бир жангнинг шароитидан келиб чиқиб стратегия ва тактикалар ишлаб чиқилган. *“Тузуқлар”да улар тадбирлар деб аталади.* Бунда ғанимнинг камчиликлари аниқланиб, унга қарши турли тактикалар қўлланилганки, улар душманнинг мағлубиятига сабаб бўлган.

Амир Темурнинг дастлабки *стратегик режаси* мўғуллар талончилигидан юртни сақлаб қолиш бўлган ва пири Сайид амир Кулол унинг Туғлуқ Темурхон олдига қочиши ва унинг қўлидаги ўқ-ёйни тортиб олишни маслаҳат берган.²

Соҳибқирон кам сонли қўшин билан тўғри тадбир қўллаб, кам талафот билан ғалабага эришишга катта аҳамият берган. Бу ҳақда “Тузуқлар”да “Мен тажрибамдан кўрдимки, ғаним лашкарини енгил қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (Тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир. Яна, “... тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради”, - деган фикрлари тажрибада синалган тадбирлардир³.

Амир Темур аскари мўғул хони Илёс Хожага қарши жангга тайёргарлик кўрганида жуда оз (60 та) бўлган. Шу пайтларда Қуръони мажидга қилган мурожаатига кўра, “Қанчадан – қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қозонган⁴”лиги Амир Темурни тадбирларни қўллашга ундаган.

¹<https://ru.wikipedia.org/wiki/%>

² Темур тузуқлари. -Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 18.

³ Темур тузуқлари. 2018. - Б. 14.

⁴ Темур тузуқлари. 2018. - Б. 40.

Амир Темурнинг кучлар нисбати нотенг жанглардаги ғалабалари унинг Мовароуннахр ҳукмронлигига келмасдан олдинок, мўғулларга қарши қатор курашларда намоён бўлган. Жумладан:

Соҳибқирон икки юз қирқ уч отлик билан икки минг кишилик амир Мусо ва Малик бошчилигидаги мўғуллар қўшинини Қарши қалъасидан қувиб чиқарган. Бу ҳақда “Тузуқлар”даги маълумотга кўра, “... мен кенгашиб ва тадбир юритган ҳолда икки юз қирқ минг киши билан Қарши қалъаси устига юрдим. Амир Мусо қалъа ва унинг атрофини қўриқламоқда эдилар. ... Пировардида шу икки юз қирқ уч йигитим билан ўн икки минг отлик ғаним лашкарини мағлубиятга учратдим ва уларни бир неча фарсанг (тахминан 6 км.) ергача қувиб бордим¹.”

Илёс Хожа Амир Темурни тутиб ўлдириш учун Ҳевақ ҳукмдори Тукал баҳодирга мингта мўғулни жўнатган эди. Амир Темур олтмиш отлик билан курашиб ғалаба қозонган. Ушбу муҳорабада душман 50 кишиси ва Амир Темур 10 кишисидан айрилган. Амир Темурнинг ўзи эътироф этишича, шундан кейин мўғуллар Соҳибқирондан чўчийдиган бўлдилар². “Тузуқлар”га кўра, Амир Темур Жета лашкари элчиси келганда уни чалғитиш, кўнглига ҳайбат солиш учун лашкарни унинг ёнидан кетма-кет икки марта қайта ўтказган³.

Амир Темур жангсиз мақсадга эришишда руҳий (психологик) ҳужум ва ҳарбий ҳийлалардан кенг фойдаланган:

- “Тузуқлар”да “Мен тажрибамдан билдимки, юз минг отлик аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан”, - дейилган⁴. Жумладан, мўғуллар Тошкўприқдан то Жалонийгача бўлган ерларни эгаллаб турган пайтда амирлар Темурбек ва Ҳусайнбеклар атига олти минг киши билан йигирма минг мўғулга қарши кучлар нисбати тенг бўлмаса-да қаттиқ жангга киришганлар. Кеч кирганда икки томон лашкари тоқати - тоқ

¹ Темур тузуқлари. 2018. - Б. 15.

² Темур тузуқлари. 2018. - Б. 24.

³ Темур тузуқлари. 2018. - Б. 38.

⁴ Темур тузуқлари. 2018. – Б. 20.

бўлиб жанг майдонини тарк этиб, тонгда жангни давом эттиришни режалаштириб тарқалишади. Соҳибқирон ўткир зеҳн билан тумонот лашкарни мағлуб этиш ҳақида тадбирни қўллайди. Унга кўра, шом намози вақтида Соҳибқирон 500 та тажрибали жанговар отликлар Эсон майдонидан то Кеш теварагигача ярим кечада тоғ устида ҳар-ҳар жойда ўт ёқдилар. Душман қоровуллари буни катта куч деб етказдилар. Натижада хавф ва қўрқинч билан душман қочди. Соҳибқирон қочганлар кетидан қувиб, ўлдирилганлардан тепалар пайдо бўлди.¹

Шарафидин Али Яздий бу ҳақда батафсилроқ маълумот бериб, Темурбек ва Ҳусайнбеклар *олти минг киши* билан Хутталон яқинидаги чўлга кириб, Дашти Кўланка мавзесига келганда мўғул лашкари Туғлуқ Сулдуз ва Кайхисрав Жета черикининг беклари, Йумкон ўғли Темур, Сарик ва Шингум, Туғлуқ Хожа, Беккичик ўғли Темур бошчилигида *йигирма минг киши* билан *Тошқўприк* деган жойга келиб жойлашадилар. Икки ўртада кечгача урушиб, тонгда яна давом эттириш режалаштирилади. Амир Темур ўйлаган тадбирига кўра унга тегишли амирлар Мусабек, Муъаййид Арлот ва Уч Қаро Баҳодур 500 киши билан Тошқўприкдаги тоғ тепасига жойлаштирилади. Амир Темур ҳар бир кишига ўнтадан гулхан ёқишлари ҳақида фармон берди. Шунда муҳолиф черики бу ўтларни кўриб, кўнгилларига ваҳима тушиб, уруш қилмай қўрқиб қочиб кетдилар².

Амир Темур Хуросон мамлакатини бўйунсундиргач, атрофдаги Сейистон ва Қандаҳорга “Агар менга қўшилсанглар қутуласизлар, курашсанглар

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи Ҳ.Кароматов (географик номлар изоҳи – О.Бўриевники). Ҳофизи Абрўнинг "Зафарнома"га ёзган "Зайл"и – ("Илова")ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларни тузувчи О.Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 41; Темур тузуклари. 2018. - Б. 40-41.

² Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али бин Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткич муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков – Тошкент: Шарқ, 1997. - Б. 33.

йиқиласизлар. У ҳолда тақдирингизда нима бўлса, ўшани кўрасизлар¹”, - мазмунда йўллаган ёрликларга кўра улар жангсиз итоат қилганлар.

Кўққисдан хужум қилиш тактикаси “Ўрусхонни баргараф қилиш ва Дашти Қипчокни босиб олишда қилган Кенгашим” деб номланган қисмга кўра, Тўхтамишхон Амир Темур ҳузурига паноҳ истаб келганда, Ўрусхон элчиси ҳам келади. Элчиларнинг кўнгли тўқ, хотиржам кетгач, уларнинг кетидан кўққисдан бостириб борилади.² Натижада 1376 йили Дашти Қипчок мамлакати эгалланиб, тахтга Тўхтамиш хон этиб ўтказилган.

Анқара жангидан олдин 1402 йил баҳор ойида Сивос саҳросида ўтказилган ҳарбий кўрикка Амир Темур “Рум элчиларини отлантируб, черик аёғигача элтсунлар!”, ҳукмига кўра элчиларни олиб юрилганда кўшиннинг шавкатини кўриб кўнгилларини ваҳима босиб, титрай бошлаганлар³.

Машҳур ҳарбий муҳорабалардаги Олтин Ўрда билан, Ҳиндистон, Анқара жангларидаги стратегия ва тактикалар ноёб бўлиб, уларда Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди, саркардалиқ маҳорати намоён бўлган.

Тўхтамишнинг сон-саноксиз лашкари кела бошлаганда, жанг олдида лашкарининг баҳодир ва ботирларига саҳрога чодирлар тикиб, палослар солиниб, тансиқ овқатлар тортилган. Бу довюраклик, душманни менсимаслик ғанимлар дилида ҳавф ва кўрқинчни орттириб, душманни ҳайратда қолдириб, донг қотириб қўйган. Бу ҳақда Ҳ.Дадабоев фикрича: “Нусратпаноҳ кўшиннинг бу даражадаги виқор ва саботи Тўхтамишхон лашкарини нафақат таажжубга балки ғулғулага солади⁴”. Жанг олдида эса Амир Темурнинг пири Саййид Барака бир ҳовуч майда тош териб, “Йаағи (душман) қочти!”, деб душман тарафига улоқтиради. Сўнгра Соҳибқирон ноғора-ю карнай овозлари дашту саҳрони тўлдирсин, деб буйруқ берди⁵.

¹ Темур тузуклари. 2018. - Б. 55.

² Темур тузуклари. 2018. - Б. 55-56.

³ Шарафуддин Али Яздий. 1997. – Б. 257.

⁴ Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул муҳаррир А.Қаюмов. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 48-49.

⁵ Низомиддин Шомий. – Б. 166.

Ёки, жанг қизиганда, Амир Темур Тўхтамишхоннинг байроқдори билан келишиб, байроқни ерга юз тубан туширади, бу енгилиш ёки чекиниш маъносини берарди. Натижада саросимага тушган Тўхтамишхон улусни ғоратга ташлаб, ўзи орқа ўгириб қочади, унинг кетидан лашкари ҳам қочади¹. **Ҳиндистон юриши тактикасига кўра, лашкар кам сонли қилиб кўрсатилган.** Мақсад, душман қалъасини қамал қилмай, ортиқча ҳаракатларсиз жанг майдонига олиб чиқиб тузоққа илинтириш бўлган. Стратегияга кўра, Амир Темур фақатгина икки минглик фавжни жангга киритади. Буларнинг озлигини кўргач, Султон Маҳмуд ва Маллухон, дадилланиб, гердайиб, виқор билан қалъадан 5 минг отлиқ ва 120 та жанговар фил билан майдонга чиқадилар.

Амир Темур ўзини кўрққанга олиб, орқага чекинишни буюради, бу манёврдан мақсад филлар учун олдиндан тайёрланган пистирма яъни, ерга сочилган, учбурчак тахталарга қоқилган “темир қозик - мих”лар томон бошлаш эди. Бунга қўшимча, филларни даф қилиш учун устига шох-шабба боғламлари ёқиб юборилган туялар ҳаракати ҳам бошланган. Аланга ва нотаниш махлуқ туяларнинг бўкиришини кўрган филларнинг бир қисми кўрқувдан орқага тисарилиб, ўз қўшинини топтай бошласа, қолган қисми ерга қоқилган уч тишли дандона қозиклардан майиб-мажруҳ бўлганлар. Натижада қолган катта қисм яъни пистирмага қўйилган фавжлар пистирмадан чиқиб, уларни ўраб оладилар² ва қочаётган ҳинд аскарларини пистирмада пойлаб турган отлиқ лашкари жангга кириб, камондан ўқлар ёғдирганлар. Султон Маҳмуд енгилиб тоғ тарафга қочади ва Деҳли 1398 йил 18 декабрда забт этилади.

Ҳиндистонда туялар бўлмагани учун филларни хуркитиш мақсадида Амир Темур 500 та туяга пахтадан пиликлар тикилган қамишлар ва ёғ билан хўлланган пахта тойларга олов ёқиб, туяларни филлар томон ҳайдашган. Туялар олов ҳароратидан бўкириб, филлар томон ҳайдалгач, оловни кўриб,

¹ Темур тузуклари. 2018. – Б. 58-59.

² Темур тузуклари. 2018. – Б. 65-66.

туяларни бўқиришини ва бу қандай маҳлуқлигини билмагач, филлар янада ҳайбатли ўқириб орқасига қоча бошладилар. Яъни, ҳинд аскарлари-ю отларини поймол қилиб, оёғи остида қолдириб, жамики отлиқ ва пиёдаларни ҳалок қилдилар¹.

Соҳибқирон лашкар сони, қурол-аслаҳанинг мукамаллиги, заҳира ёрдам кучларининг ҳозираниши, жанггоҳнинг географик ўрни, рельефи ва иқлимига ҳам катта эътибор берган.

Анқара жанги стратегиясига кўра, аввал шаҳар қамал қилинади, сўнгра, қамал тўхтатилиб, 5 кундан кейин кўшинни 25 июлда Чибуқобод мавзеига ўзига қулай жойга жойлаштирилади. Боязид I орқага қайтиб, ўзи учун ноқулай шароитда сув танқислиги ва ташналиқда жанг қилишга мажбур қилинади.

Ибн Арабшоҳ ёзишига кўра, жанг олдидан Амир Темур Боязид Йилдирим кўшинидаги татарларга (улар кўшиннинг учдан икки қисмини ташкил этар ва ниҳоятда кучли тайёргарликка эга эдилар) жўнатган мактубида уларнинг турк кўшини таркибида қулларга ўхшаб юргани ва уларга озодлик берилиши ваъда қилинган. Келишувга кўра, жанг бошиданок 18 минг татарлар Боязидни тарк этиб, Амир Темур томонга ўтиб кетадилар. Яъни, жанг бошланмасданок, мағлубият аниқ бўлган. Боз устига султон маош бермагани учун кўшинда норози кайфият устун эди². Натижада Боязидда аксарият пиёдалар қолдилар. Амир Темур отлиқ кўшинлари ушбу пиёдаларни қисиб ўраб олдилар. Ушбу пиёдаларнинг жангга киришига Ибн Арабшоҳ шундай ўхшатиш келтиради: “Худди турк пиёдалари елпиғичлар билан қумтепаликларни кўчирмоқчи бўлдилар³”.

Амир Темур кўшинида темир интизом бўлиб, саркарда муҳораба чоғи кўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. 1-китоб. – Тошкент: Меҳнат, 1992. - Б. 173-175.

² Разин Е.А. История военного искусства. Том 2. – М.: Военное издательство министерства обороны Союза ССР, 1957. – С. 238.

³ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. – Б. 269-271.

жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан ошиб ўтишга, лашкарнинг жанговар руҳини зарур даражада сақлашга муяссар бўлган.

Амир Темур жангларга пухта тайёргарлик кўрар экан, турли тактикалар билан душманнинг мудофаа тизимини моҳирона яқсон этиш, ғанимнинг мустаҳкам қалъа, кўрғон ва ҳисорларни узок муддат қамал қилиш, тўсатдан ҳужум қилиб зарба бериш, душман томон ҳукмдорлари ва ҳарбий бошлиқларини асирга олиш, душманларни бирлаштирмай, аксинча ёлғизлатиб яқсон этиш, ёв кучларини иложи бориша кенг кўламда қуршовга олиш, душманни тўлиқ тор-мор этилгунига қадар таъқиб этиб бориш каби тезкор амалга оширилган стратегик режалар ва тактик ҳаракатлар Амир Темурга фақат ғалабалар олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул муҳаррир А.Қаюмов. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 48-49.
2. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. 1-китоб. – Тошкент: Меҳнат, 1992. - Б. 173-175.
3. Квинт В.Л. Амир Темурнинг стратегик етакчилиги: “Тузуклар”га изоҳлар / В.Л.Квинт (сўзбоши, изоҳлар). – СПб.: ИПЦ СЗИУ РАНХиГС, 2021. – 224 б.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи Ҳ.Кароматов (географик номлар изоҳи – О.Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг "Зафарнома"га ёзган "Зайл"и – ("Илова")ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларни тузувчи О.Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 41; Темур тузуклари. 2018. - Б. 40-41.

5. Разин Е.А. История военного искусства. Том 2. – М.: Военное издательство министерства обороны Союза ССР, 1957. – С. 238.
6. Темур тузуклари. -Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али бин Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткич муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков – Тошкент: Шарқ, 1997. - Б. 33.